



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShqARUVINING QARORI



**Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ва “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/3-сон қарори (рўйхат рақами 1642, 2006 йил 23 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 470-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси



*М. Нурмуратов*

Тошкент ш.,  
2018 йил “28” *апрель*  
16/1-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2018 йил 28 апрелдаги  
16/1 - сон қарорига  
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни  
амалга ошириш қондаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. 4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“4. Микрокредит ташкилотининг капитали қуйидаги компонентлардан иборат:

- а) устав капитали;
- б) захира капитали;
- в) тақсимланмаган фойда;
- г) бошқа ўз маблағлари.”.

2. 6-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“микромолиявий хизматлар кўрсатиш шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорида фоизлар ҳисоблаш, комиссия ва неустойка (штраф, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллашга;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, микрокредитлар (микроқарзлар) ажратиш, ссуда ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш учун тўловлар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан микрокредитлар (микроқарзлар) муддатидан илгари сўндирилганлиги учун неустойка ундиришга.”.

